

Кабрни очган навкарлар хайратдан лол бўлиб колишди. Улар Хуросон хукмдорини Хиротдаги ўзи курдирган мадрасага шохона дафн килиш учун муваккат кабрни очишганди. Не ажабки, мурданинг тирноклари синиб кетган, кафан ярим ечилган, хамма ёкда кон доглари котиб колганди. Демак, подшохни хушидан кетганда ўлди, дея тириклайин кўмгандилар. Афтидан у хушига келиб ўзини димиккан лахадда кафанланган холда кўргач, бор кучи билан кабрдан чикишга интилган. Аммо Хуросон хукмдори Хусайн Бойкарога кабрдан чикиш насиб этмаганди.

Султон Хусайн Бойкаро (1438-1506) 36 йиллик Хуросон хукмдори, шунингдек, Хусайний тахаллуси билан шеърлар битган шоир, хукмдорлигининг илк даврида мамлакатида ободончилигу фаровонлик ишларини бошлаган, адабиёту санъат хомийси, хазрат Алишер Навоийнинг дўсти сифатида маълум.

Аммо унинг фожиаси ва кора кунлари Хадичабегим исмли гўзал аёлни канизак сифатида харамига олган 1470 йилдан бошланди. Ўз ишваю нозлари билан султонни ўзига ром килган Хадичабегим оз вакт ичида Хусайн Бойкаронинг хотини, малика даражасига етишди. Шунингдек, у «махди улё» унвони билан ичкиликбозликка тобора берилаётган султоннинг сиёсат тизгинини кўлига олиб, давлатнинг ички ва ташки сиёсатида мухим роль ўйнай бошлади.

Ачинарлиси шундаки, бутун салтанат мусулмонлари Имоми Аъзам мазхабига риоя килган

бир вактда, Хусайн Бойкаронинг завжаси, малика Хадичабегим шиаликнинг ўта мутаассиб окими бўлган рафизия мазхабининг вакиласи эди.

Хатто султон маликанинг таъсирига берилиб, бутун ахли суннат вал жамоат олдида намоздаги хутбага ўн икки имомнинг исмларини кўшиб ўкитишгаям карор килади. Шукрки, фожиали тугаши мумкин бўлган холатни Навоий ва Жомийлар бартараф килиб, султоннинг карорини ўзгартирадилар.

Хадичабегимнинг бундай харакатлари ва султонни тобора ўз таъсирига олиши, хатто Хусайн Бойкаронинг фарзандлари Бадиуззамон ва Музаффар Мирзо орасидаги нифокка сабаб бўлади. Мамлакат ички низолар исканжасига тушиб колади.

Айникса, Навоий хазратларидек зот хам султоннинг невараси сиймосида бўлажак адолатли ва кудратли хукмдор сифатида Мўмин Мирзони кўриши кўпга бормади. Орзу ва умидлар сўнди. Негаки, ўн бир яшар навкирон шахзода хам Хадичабегимнинг найранг тўрида жон берди. 1497 йили малика бир гўзал кизни Хусайн Бойкарога рўпара килиб, айш-ишрат пайтидаги мастлик даврида Мўмин Мирзони камон ипига тортиб ўлдириш хакидаги фармонга мухр бостирди.

Ихтиёриддин калъасида сакланган шахзода бобоси мухр босган фармонни кўриб, «васиятим шулки, ишингиз битгач, бобом фармонини ўша камон ипининг бир каричи ила боглаб, ўзларига кайтариб беринг. Бобомга айтингки, ўз авлоди ила муросага келолмай жаллод хизматига мухтож подшох салтанати узокка бормагай!» дея жаллодлар кўлида шахид бўлди.

Камон ипи билан бўгиб ўлдирилган Мўмин Мирзони хийлагар малика «Шахзода каъла девори оша хибсдан кочаман дея халок бўлди», деб овоза таркатишга уринди.

Аммо сир ошкор бўлди. Бойкаро кайфи таркаб, ўзига келгач, мудхиш ишга кўл ургилганини англади.

Хусайн Бойкаронинг кора кунлари дўсти Мир Алишер Навоийнинг 1501 йилдаги

ўлимидан кейин яна забтига олди. Дўстини хаётда хам хурмату эъзоз килган султон улуг шоирнинг дафн маросимига бошчилик килди. Мархум дўстининг кариндошларига гоят мехр кўргазиб, Навоий вафотининг йигирманчи кунида Сари Хиёбон майдонида катта маърака уюштирди.

Ана шундан кейин Хусайн Бойкаро янада огир кунларни бошидан кечирди. Хуросонда ички низолар ва парокандалик авж олди. Бу вактга келиб хаёти ва салтанатининг асл таянчи бўлган Навоийдек дўстидан айрилган, кексалик онларини шароб билан кориштириб сархуш ўтказаётган Бойкаро салтанати таназзулга учраётганди. Негаки, Мовароуннахрни фатх килган Шайбонийхон Жайхунни кечиб, Балхни кўлга олган, энди Хиротдек шахри азимга якинлашиб келмокда эди.

Айникса, 1506 йилда жангу жадалларда Шайбонийнинг кўли баланд келиб, Бойкарони маглубиятга учратиши аник бўлиб колган эди. Шу йили зулхижжа ойидаги, Бобо Илохий мавзесидаги жангда Шайбонийхон кўшини Хирот томон шиддат билан интилади, Бу вактда шаробхўрликни одат килиб олганидан Бойкаронинг ёнокларидаги майда кизил томирлар тарам-тарам бўлиб бўртиб турар, елкаси букчайиброк колган, буйраги ва жигари ишдан чиккан, касалманд холга келиб колганди. Натижада, бир томондан хасталиги, иккинчи томондан маглубият аламидан Бойкаро хушидан кетиб, вужудида хам хаёт-мамот жанги кечарди. Окибатда фожиа юз берди. Душман тобора саройга якинлашаётганида, амалдорлари унинг чукур уйкуга кетганини билмай, ўлдига чикариб, жанг арафасида буни душмандан хамда ўз кўшинидан яшириш максадида уни шошилинч равишда дафн этдилар. Бу султон Хусайн Бойкаронинг энг каро куни эди.

Умид Бекмухаммад